

ХАЛҚ СЎЗИ

ХИЖРИЯ
ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ,
ЗУЛ-ҲИЖОА, 17-КУН.
ШАМСИЯ,
1371 ЙИЛ,
ЖАВЗО, 28-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 йил 18 июнь. ПАЙШАБА, 116-СОН • 367 •

НАРХИ СЎТУВДА 1 СЎМ 50 ТИЙИН.



● САМАРҚАНД шойи тўқиш бирлашмасининг 1-тўқув цехи тўқувчилари маҳсулот сифатини яхшилаш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Шу цехнинг илгор тўқувчиси Малика Юсупова тўртта дастгоҳни бошқаради. У смена нормасини ошириб бажариш

билан бирга маҳсулотнинг сифатли ва кўркам бўлишига эришмоқда. У ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг 55-фонизини 1-сортга топширмоқда.
СУРАТДА: илгор ишчи Малика Юсупова.
Ф. АЛИЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ УНИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати қарор қилади:
Уннинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг унинчи сессияси 1992 йил 2 июль куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёси Ш. ЙУЛДОШЕВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 17 июнь.

1. Ўзбекистон Республикасининг Янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби тўғрисида.
3. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
4. «Ўзбекистон Республикасида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
5. «Ўзбекистон Республикасида биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
6. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро валюта жамғармасига, қайта тинлаш ва тараққиёт халқаро банкига, ривожланиш халқаро уюшмасига, халқаро молия корпорациясига, кўп томонлама сармоя ажратишни нафолатловчи агентликка киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
7. «Ўзбекистон Республикасида таъшиқ иқтисодий фаолият тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг фуқароларидан, ақнабий фуқаролардан ва фуқаролик бўлмаган шахслардан олинган даромад солиғи тўғрисида»ги қонуларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида.
8. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
9. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
10. «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қаролатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
11. «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
12. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
13. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
14. «Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
15. «Муқобили (меҳнат) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
16. «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ва консуллик вакилларининг тайинлаш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
17. «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия қонунлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
18. «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
19. «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
20. «Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
21. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
22. «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
23. «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
24. «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган ҳаракатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
25. Ўзбекистон Республикасининг миллий пул бирлигини тайёрлаш ва муомалага киритишга доир тадбирлар тўғрисида.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
27. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.
28. Олий суд баъзи вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари тарихидан ўзгаришлар тўғрисида.
29. Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида.
30. Ўзбекистон Республикаси конституциявий комиссияси таркибига қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида.
31. Ўзбекистон Республикаси Олий суди тарихида ҳарбий ҳайъат тузиш тўғрисида.
32. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг парламентлараро иттифоддаги вакиллари тўғрисида.
33. Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ

МУХВИРЛАРИМИЗ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАВАРЛАРИДАН

БОБУР ТУЗГАН ДАВЛАТ САРҲАДИ

● САВОХАТ Азимжоновга Ҳиндистоннинг Жавахарлаъл Неру халқаро мукофоти берилди.

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академиясининг Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти профессори, тарих фанлари доктори С. Азимжонов узоқ йиллардан буйён Ҳиндистон — Ўзбекистон алоқалари тарихи билан шуғулланади. Бу борда қатор илмий мақолалар ёзди. Олимнинг «Қобул ва Ҳиндистонда Бобур давлати» асари Ҳиндистонда ҳам қизиқли уйғотди. Губдабанбегимнинг «Хумоюннома»си эса унинг саъй-ҳаракатлари билан ўқувчилар қўлига теги.

КПСДАН УНТА ПЕЧКА ЧИҚДИ

● ПАВАНДЧИЛАР «КПСС» баъзидан газ билан ишлайдиган унта печка ласдилар.

ҚАРШИДАГИ «Ўзсантехгазмонтаж» трестининг кўчма механизациялашган қолончаси маъмурий идораси ёнида «КПСС XXVII сьезди қарорлари ҳаётга» деган шор турарди. У йирик қувурлардан пайвалда қилиниб тикланганди. Хар бир харфоннинг катталиги чоғроқ уйдек эди. КПССнинг парокандаликка юз тутганидан фойдаланган қолонча пайандчилар уни бузиб олинди. Айни пайтда халқ эҳтиёжи учун ундан ускуналар ясашга киришилди. Ҳозиргача фақат КПССни парчаладилар, қолос.

ХОРАЗМ ШОҲИНИНГ КУМУШ ТАНГАЛАРИ

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК археологлар ХП асрда Муҳаммад Хоразмшоҳ зарб эттирган кумуш тангалар, билакузуқлар, сопол идишларни топдилар.

РЕСПУБЛИКА тарих музейи ходимлари бу ноёб топилмаларни келгуси йил Нарбуз байрамида намоиш қилиш учун махсус кўргазма ташкил этишмоқчи.

ҒАРБНИНГ ТАЖРИБАСИ АСҚОТАПТИ

● ЎЗБЕКИСТОН ва Франция ҳуқуқшунослари Тошкентда учрашдилар.

УНИ республика Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти, адлия вазирлиги, Тошкент давлат ҳуқуқ институти ҳамкорликда ташкил этилди. Учрашувда ҳуқуқий демократик давлатни қарор топтиришда хорижий мамлакатлар, хусусан Франция ҳуқуқшуносларининг тажрибасини ўрганиш фойдасида ҳоли эмаслиги таъкидланди.

БУҒДОЙДАН КЕЙИН ШОЛИ

● ХОРАЗМ вилоятининг Богот давлат хўжалигида ўриб-Йегиб олинган буғдой ўрнига шоли экиляпти.

АСОСАН шоли экишти иختисослашган хўжаликда ўтган йили кузда шолдан бўшган майдонларга кузги буғдой экилди. Тажриба тариқсидида қўлдан бу усул ўзини оқлади. Деҳқонлар ҳар гектардан 32 центнердан дон йиғиштириб олдилар. Бўшган майдон пешма-пеш шоли экишга тайёрланди.

БОЛАЛАРДАГИ ЖИГАР ХАСТАЛИГИНИНГ ДАВОСИ НИМА?

● РЕСПУБЛИКА Педиатрия илмий-тадқиқот институтида болалардаги сурункал жигар хасталикларига муаммоларига бағишланган анжуман иш бошланди.

АНЖУМАНДА туркиялик шифокорлар ҳам иштирок этишляпти. Туркияда сарик касаллигининг олдини олиш, даволаш долзарбликка эга. Илмий-тадқиқот сўзга чиққанлар довлар илмий муаммоларини халқ эҳтиёжи ўртасида санитария тарбиясини кучайтириш, мактаб ва болалар боғчаларида озолик чораларини кўриш лозимлигини айтишди. Фақат шифокорлар эмас, ҳамма баравар ҳаракат қилсагина касаллиқнинг олдини олиш мумкинлиги таъкидланди.

САМАРҚАНД ОЙНАН ЖАҲОНИ ЭФИРДА

● САМАРҚАНД телевидениеси ilk кўрсатувини намоиш этди.

САМАРҚАНД зангори экраны Ўзбекистон давлат телекомпанияси кўрсатувларидан сўнг ilk танаффус пайтида, бадий фильм намоиш этилаётганда эфирга чиқди. Ҳозирча ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари бир соатдан кўрсатув тайёрлаш режалаштирилди.

НИҲОЯТ, ЧЎПОНЛАР ОРЗУН УШАЛДИ

● КОНИМЕХ ва Навбахор районлари марказларига Газли—Чимкент газ қувуридан юқори босимли зинни тортиляпти.

БУ қувурнинг КониМЕХ ливолиларидан ўтганига анча бўлган. Энди чўпонларнинг ана шу газдан баҳраманд бўлиш орзуи рўйга чиқди. Мутахассисларнинг айтишича қараганда, 1993 йилнинг охирида 5 миңдан анд хонадон бекалари ўчоққа таппи ёқишдан қутилишаркан.

ХўЖАЛИК ПИШЛОҚ ЦЕХИ

Чортоқ районига қарашли Ҳамид Олимжон номидаги давлат хўжалигида пишлоқ цехи ишлаб бошланди, унда ҳозир кунига 20 килограмм маҳсулот тайёрланади. Шундан унинг хар вилграмми 72 сўмдан чакон харид қилинади. — Республика Президентининг хўжаликлар ветиштириётган маҳсулотнинг 15 фонизини уларнинг ўзларида қолдириш тўғрисидаги фармони яхши се-

Обуна-92

МУКОФОТГА—«ХАЛҚ СЎЗИ»

АНДИЖОН ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Абдуғаффор Аҳмадалиев 500 нафар илгор ишчини рўнома билан мукофотлади. 66 миң сўм ажратилди. Фабрикаларнинг қасаба уюшма қўмитаси раислари илгорлар рўйхати ва яшаш жойларини ёзиб беришди. Сўнг қасаба-қўмда ҳар бир кишига обуна варақаси тўлдириб, «Союзпечать»га топширишди. Обуна қозони фабрикалар жамоаларининг йиғилишларида эгаларига мукофот тариқсидида тантанали равишда тақдим этилди.

КОРХОНА ҲИСОБИДАН

ОҲАНГАРОН. Дон маҳсулотлари комбинати маъмурияти ишчи-хизматчиларни моддий ҳимоялаш мақсадида арзон нархда озиқ-овқат маҳсулотлари, тўлов ва нафақалар беришни йўлга қўйган эди. Яқинда корхона маъмурияти яна бир хайрли ишга қўл урди. Раҳбарият қасаба уюшмаси билан маслаҳатлашиб ишчилардан 200 кишини «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўномаларига обуна қилди. Келесдаги жунни дастлабки қайта ишлаш фабрикасининг 100 нафар ходими ҳам 1 июлдан бошлаб «Халқ сўзи» рўномасини оладиган бўлди. Корхона маъмурияти ижтимоий ҳаракатлар жамғармаси ҳисобидан обуна учун пул ажратди. Т. ИСКАНДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яхши анжана—безавол



ТОШКЕНТ шаҳри таърифига муҳтож эмас. Унинг ҳамма сифатлари хорижда ҳам маълум. Жумладан, машҳур Тошкент халқаро кинофестивали ҳам зўр уюшқоқли, кўтаринки руҳ ва ҳуш кайфиятда ўтиши билан жаҳон халқлари, айниқса ўзбекистонликлар қалбидан чуқур жой олган. Шу йил октябрь ойида бўладиган XI Тошкент халқаро кинофестивалига бағишлаб ўтказилган маъбудот конференцияси ана шу илқ сўзлар билан бошланди. — Афсуски, кейинги йилларда халқ сўзган бу анжуман тўхтаб қолган эди, — деди фестивал маъбудот хизмати бошлиғи, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири ва зинафасини бажарувчи Анвар Жўрабоев. — Аллоҳга шукрлар бўлсинки, яхши анжана безавол бўлар экан. Бу йилги кинофестивалининг ташаббускорларидан бири ва бевосита ҳомийси маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академиясидир. У анжуманнинг ҳамма сарф-ҳарajatларини ўз зиммасига олган. — Тўрт йиллик танаффусдан сўнг қайта тикланаятган, бу йилги фестивалининг аввалгиларидан фарқ қиладиган жиҳатлари ҳам бор, — деди фестивал президенти Малик Қюмоов. — Биринчидан, анжуманда фақат бадий фильмлар намоиш этилади. Иккинчидан, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан ташқари Европа ҳамда МДХ мамлакатлари вакиллари ҳам танловдан ташқари иштирок этадилар. Ҳозиргача 60 дан зиёд мам-

Тўрт йиллик танаффусдан сўнг

ОСИЕ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ УТКАЗИЛАДИГАН БУЛДИ

лакат тақриф этилди. Бу рақамнинг ўсиб бориши табиий. Чунки, хоҳловчилар жуда кўп, ҳозир улар билан музокаралар давом этаптир. Тошкент фестивали чорак асрлик тарихга эга. Бундай анжумандан воз кечиш ҳақиқатан ҳам катта ҳатоллик бўлар эди. Бу йилги анжуманнинг мустақил Ўзбекистонда ўтиши ҳам қувонч бағишлайди, ҳам жиддий масъулият юклайди. Энди аввалги фестивалларда бўлганидек, сохта тарбиёт-ташвиқотлару атайлаб бўрттиришларга, бўйб кўрсатишларга ҳоҳият қолмади. Конференция сўнгидида Малик Қюмоов, фестивал бош директори Хайрулла Жўраев ва ташкилий қўмита аъзолари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. САВОЛ: Анжуманнинг борилиши ҳар томонлама чуқур ва ҳақиқий Бритиш учун журналистларга кенг имкониятлар яратиб бериш масаласи ҳам назарда тутилмаптими? ЖАВОБ: Албатта. Аввалги фестиваллардан фарқли ўларок журналистлар анжуманнинг ўзлари, хоҳлаган иштирокчилари билан мулоқотда бўла оладилар. Улар билан истаган вилоятларига бирга боришлари учун ҳам имконият яратилди. САВОЛ: Ҳомийлик қилаётган Халқ академияси анжуманга катта маблағ ажратиб бирга бирга ундан қандайдир фойда олишни ҳам назарда тутиляптими? Аҳоли учун билетларнинг нархи қанча бўлади? ЖАВОБ: Ҳомийнинг мақсади — ўз зиммасига олган ҳолис хизматини охиригача ҳилопик билан адо этиш. Иқтисодий масала эса иккинчи даражалидир. Зотан, ҳозир Ўзбекистон жуахурияти, унинг аҳолиси оғир даврни бошдан кечирмоқчи. Бундай пайтда халқнинг руҳини кўтариш, маънавий озуқа бериш айни заруратдир. Фойда ҳақида гапириладиган бўлса, шуни қатъий таъкидлаш лозимки, анжумандан тушадиган ҳамма даромад Ўзбекистон кинематографиясини ривожлантириш учун тўлалигича сарфланади. Билетлар нархига келсак, ҳозирча 10—12 сўм атрофида белгилаш мўлжалланмоқда.



СУРАТДА: учрашув пайти. А. ЯУЛДОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Миш-мишлар ва ҳақиқат ИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Намангандаги Мингбулоқ нефть қониғини очилиши катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Эл оғзинга элак тутиб бўлмайдиган деганларидек, у ҳақда асоссиз миш-мишлар ҳам тарқаб кетди. Энди нефть бўлуғи ёшилгандан сўнг ҳам турли хил афсонавий баҳоратлар тўхтамайпти. Ҳазир нима гап?

Бу дунёга ҳайрон қоласан. Рўзномано жаридалар нукул тамчилликлар ҳақида ёзишди. Ошлар кўпайиб кетган эмис. Ҳамма нарса қимматмиш. Турғулик даврида коммунизм куришимизга сал-қолибди. Қуллас, ҳамма ёқни эмишу миш-мишлар босиб кетди.

НОНИ «ҚОРА» ДЕҲҚОНЛАР

Юқорида кўриб турганингиз «сурат» сизга танишдек туюлган бўлса керак. Одатда газеталаримиз пахтадан авайлаб ҳовучлаган деҳқон кўлларининг суратини шу йўсинда чоп этарди. Совақ ва шамолдан ёрилган қадқоқ кўллари боқиб меҳрингиз товланса ажабмас. Деҳқон захматига ҳақини тасаннолар айтасиз.

ХОНАДОНЛАРДАГИ МОЛЛАРИНИ ДАВОЛАШАПТИ
ЗАДАРАБ НАСЛИЧЛИК БИРЛАШМАСИ ҚИШЛОҚЛАРДА МАБЛАҒ ЕТИШМАСЛИГИ БАҲОНАСИДА ЕПИБ ҚУЙИЛГАН ЗООВЕТЕРНАРИЯ ПУНКТИЛАРИНИ ҚАЙТА ИШГА ТУШИРДИ.

Дориларга ИМТИЁЗЛИ НАРХ
Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида дори-дармонлар нархини сунги-дори қатори ошди. Дори-дармонлар анча қимматланди, бироқ кўпгина беморлар бундан азият чекишмади.

Ер ва эл

Жаҳонда энг кўп тарқалган халқлардан бири (ер юзига 1,6 миллиард зиёд) лўлилар. Уларнинг асл ватани — Ҳиндистон.
Урта Осиёда ҳам лўлилар кўп. Улар бу ерга турли даврларда кичик-кичик гуруҳлар таризда келиб жойлашган. Лўлиларнинг бир қисми Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши вақтида асирга олинган аҳоли билан бирга келиб қолган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

ДОРИЛАРГА ИМТИЁЗЛИ НАРХ

Узбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида дори-дармонлар нархини сунги-дори қатори ошди. Дори-дармонлар анча қимматланди, бироқ кўпгина беморлар бундан азият чекишмади.
Дори-дармонлар анча қимматланди, бироқ кўпгина беморлар бундан азият чекишмади.

МОСКВА—МАРҒИЛОН

Марғилон автомобиль таъмирлаш заводида зарур эҳтиёт қисмлар тақчиллиги бартараф этилди. Корхона жамоаси Москванинг Лихачев номидаги автомобиль заводи билан шартнома тўзди. Шартномага мувофиқ, марғилонлик 25 нафар малакали ишчи йил давомида икки ойдан шу заводда ишлаб беради, бунинг эвазига керакли эҳтиёт қисмлар олинади. Бундай ҳамкорлик заводида иш маромини тўла саклаб қолиш имконини берди. ЗИЛ-130, ГАЗ-53 маркали автомобиллар ўз вақтида таъмирлана бошлади.

ЎҒРИЛАРГА ҚАРШИ

Кейинги вақтларда Избоскан районининг Шернат Юсулов номидаги жамоа ҳўжаллида хонандо қорамолнинг ўғирлаш, безорилик, тартиб ва озоиш-талиқни бузиш ҳоллари кузатила бошлади. Ҳўжаллик аҳолиси бунинг олдинки олиш мақсадида кўнгилли гуруҳлар ташкил этди. Маҳалла комитетлари қўбидда тузилган бу озоишталлик посбонлари сафига турли касб эгалари бирлашди. Улар кечаси маҳалла ва гузарларда юриб, нотаниш кишилар шахсини текширишди, тартиббузарлар ҳулқи маҳалла комитетларида муҳокама қилинади.

АСАБНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!

«Яратганга солдим» ичидан эзилди у. Иттифоқ қизматидан қайта туриб мағанига кирган бир киши сотуғига қўлни бигиз қилганга дўқ урапти.
— Эй гўрсухта, бир қўти туз ҳам 4 сўм 20 тиғи бўлади! — Акажон, бунинг нархини мен кўтарибманми? — жаврабди сотувчи.
— Бир қўти гугуртин қаранг 1 тиғи эди, энди эса бир сўм 18 тиғи.
— Қўйсаярагинчи, одамни ҳақорат қилиш ҳам — шунча бўлади!
— Бу қиллар унут бўлиб кетар, — гапта аралашди мўйлагига қироз қўнган киши.
Утиб кетарини. Улгандан кейинми! Шу ҳам турмуш, шу ҳам яшашми! Ит ётиш мизра

ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ НУФУЗИ

ЎЗАМУХБИРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ РЕСПУБЛИКА АТАМАШУНОСЛИК ҚўМИТАСИ РАИСНИНГ ҲАБИБУЛЛА БЕКТЕМИРОВ ВИЛАН ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУННИНГ БАЖАРИЛИШИ БОБИДА СўХБАТЛАШДИ

— Ўзбекистонда давлат тили ҳақида қонун қабул қилинганга ҳадемай уч йил ўтди. Бу ордада албатта анчагина ишлар қилинди. Истиқболда яна талайгина юмушлар тузғунда.
— Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши тўғрисида гапирганда кўпчиқа сезиларли даражада иш қилинмапти, деган гапларни эшитишга тўғри келади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши боғида республикада талай ишлар қилинган ва қилинмоқда. Ҳамма вазирликларда, комитетларда, вилоятларда, районларда, ташкилотларда давлат тили амалга ошириш бўйича комиссиялар тузилган ва улар фаолият кўрсатяпти. Айниқса, тарихий нуқта назардан мантиққа тўғри келмайдиган, миллий қадриятларимизга зид жой номларини ўзгартриши, иш юритиши давлат тилига қўб қўзиш тадбирларидан кўз юмिश нохилоқлик бўлур эди. Шунинг таъкидига керакки, давлат тили ҳақидаги қонунни бажаришга икрат бўладиган ташкилотлар, корхоналар билан бир каторда бу ишга масъулиятлиқ билан қаратаётган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Тажриба шуни кўрсатаптики, қаврда биринчи раҳбар давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссиясининг раҳбари бўлса, ушай жойда иш анча ямшоқ олапти, яхши тадбирлар ўтказилапти. Масалан, яқинда ҳукумат тил комиссияси ўз йиғилишида Фаргона вилоятининг Кува районидан бу йорда амалга оширилган ишларни муҳокама қилиб, уларнинг тақрибасини оммалаштириш ҳақида қарор қабул қилди.
— Кейинги пайтда ҳукумат тил комиссиясининг йиғилишлари тез-тез ўтказилапти, натижалари қандай бўлмоқда?
— Аввало, ҳукумат тил комиссиясининг номланганини аниқлаб олайлик, у «Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси комиссияси» деб аталади, бу комиссияга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошлиқлик қилапти. Кейинги вақтларда ҳар ойда тил комиссиясининг мажлиси бўлиб турибди ва унда жуда муҳим масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. Маълумки, 1990 йилнинг бошида давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг давлат дастури қабул қилинган эди. Ҳукумат тил комиссияси ана шу дастур асосида фаолият кўрсатмоқда. Тил комиссияси йиғилишининг тез-тез ўтказилганга келса, мазкур давстурни ҳаёта жорий этиш ишига республика ҳукумати қатта эътибор бермоқда. Комиссиянинг иш тартиби ҳам ўзгарди, мажлисларда қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши назоратини мажлисда албатта муҳокама этилади. Шу йилнинг февраль ойидан буён ҳар ойда ана шундай йиғилишлар бўлиб турибди. Масалан, йил бошидаги мажлисда республикада давлат тили ҳақидаги қонун ва давлат дастурининг бажарилиши амали талаб даражасида эмаслиги қайд этилиб, уларда давлат тилини амалга ошириш бўйича аниқ тадбирлар белгилаш, русийзабон фуқароларга давлат тилини ўқитиш ишини тубдан яхшилаш, алоқа корхоналари, почта қўбоналар учун маҳаллий миллат ёшларидан мутахассислар тайёрлаш вазифалари топирилган эди.
Маълумки, Адлия вазирлиги ўз тизиминда бу соҳада жадал ишга киришди. Алоқа вазирлигида эса ўқитиш йўли қўйиб, турли сузлашчилар яратиб тадбирлари йўлга қўйилди. Март ойида бўлиб ўтган мажлис эса қилинган ишларнинг яқини сиёсийликнинг бәрча вилоятларда тил комиссиясининг расислари, вазирлик ва қўмиталиқни амалга ошириш вазифалари раҳбарлари тақлиф қилинди. Мазкур ўзига хос кенгашида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров Давлат тили ҳақидаги қонун ва давлат дастурининг бажарилиши ҳақида маъруза қилди. Мажлис қарори билан унинг амалда қўллаган оид тадбирлар белгилаб берилди. Апрель ойида бўлиб ўтган мажлис эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакорпорациясида қонун ва дастурининг бажарилиши ҳақида муҳокама этилди ва қонунраси деб топилди. Шундан кейин авиакорпорациянинг бош директори Бу ишга ўзи раҳбарлик қилган бўлиб, ва ҳозир унинг бәрча тизимларида қонунни амалга ошириш бўйича қатнаш ишлар қилинмоқда. Бундан ташқари атамашунослик комитети фаолияти, унинг атамашунослари ҳақидаги тақсиллари ҳам кўриб чиқилиб, тасдиқланди.
— Ҳукумат тил комиссиясининг июнь ойида бўлиб ўтган йиғилишида комиссия аъзоларининг жойларга бориб, у ерда иш қўбратган комиссиялар ишга қўбқаб бериши ҳақида гапирилган эди. Бу соҳада ишлар қандай кетапти?
— Йиғилиш расининг топшириғига қўб жойларда бўлиб, қонуннинг бажарилишини ўрганиш яхши самалар беришти. Айни пайтда ҳукумат тил комиссияси аъзолари қатъий ража асосида вилоятларда бўлиб, у ерда қонуннинг бажарилиши билан танишиб, тил комиссияси муҳокамасига қўбқаб тақриб ишлаб чиқилди. Шу тариқа давлат тили ва давлат дастурининг аплика назорат қилиш имконияти бўлади.
— Давлат тили ҳақида қонун қабул қилингандан буён республикада иқтисодий-сиёсий вазият жуда ҳам ўзгариб кетди. Албатта ўша пайтдаги қарарларга ҳозиргиники қийсалаб бўлмайди. Шу муносабат билан мазкур қонунга ўзгариш киритилмайдими?
— Жуда тўғри гап. Бу маъсала ҳукумат тил комиссиясининг олдинги мажлисларида муҳокама этилган ва Адлия вазирлигига қонунга киритилган ўзгаришлар ва қўбимчалар лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топирилган эди. Адлия вазирлиги Атамашунослик комитети билан ҳамкорликда бундай лойиҳани тайёрлади. Ҳозирги кунда Олий Кенгашининг Миллатларо муносабат, тил ва маданият комитети бу ишга раҳбарлик қилмоқда. Лойиҳа ҳукумат тил комиссиясининг навабатида йиғилишида муҳокама қилинади ва Олий Кенгашига тақдим этилади.
— У. МИРЗАЕВ.

ОПМАЛИК ФОСФОГИПС ЛИТВАГА ЖУНАТИПАДИ

ОПМАЛИК химия заводида фосфогипс қайта ишлаш муаммосини ҳал этишга дағдан ишга ўтилди. Бу ерда ишлаб чиқариш қийнчилиқлари ҳисобланган фосфогипс миғналаб тонна тўпланиб қолган.
Бу шартнома корхонада кам қийнатиш ва қийнэтсиз технологиялардан фойдаланиш ишларини давом эттириш. Заводда сувдан тақор-тарор фойдаланилган усул жорий этилган, бу эса булганган оқаваларни суз ҳавзаларга чиқариб юборишни, артезиан сувдан фойдаланишни кескин қамайиштириш имконини берди. Фосфорит чангини ушлаб қолишга доир қоралар ҳукумат тил комиссиясининг ўтказиш учун Литвага фосфогипс ва бошқа моддалар жўнатилади.
Тошкент вилояти.

ТОШКЕНТДА «КАНОН» КЎРГАЗМАСИ

Ишбилармонлару тадбиркорлар, қўша корхоналару ассоциацияларга яқиндан ёрдам кўрсатиш мақсадида «Тошкент» биржасининг буювчиси «Канон» ширкати...



Ушбу суратдаги лавҳаларни Р. АЛЬБЕКОВ Тошкент вилояти Қибрай районидаги Акмал Икромов, мактаб ҳудудида ташкил этилган «Шодлик» дам олиш шахобчасидан тасвир...

ИККИ ТОМОН НАФ КЎРАДИ

ҚАШҚАДАРЕ вилоятига донецлик ишбилармонлар келишди. Улар пахтага турли металллар, ойна ва куриллиш материаллари, газ плиталари, ўтга чидамли ёпишлар, енгил sanoat мол...

ШЕРИКЧИЛИК ЯХШИ-ДА ГЕРМАНИЯНИНГ «Вернер наман» фирмаси билан «Зафар» акционерлик жамияти Қарши шаҳрида йилга 100 миллион донга...

Тарихимизга бир назар

Лениннинг «Чор Россияси халқлар турмаси эди» деган гапи кўпдан бери хайда нарх уради. Энди чукдорроқ ўйласак, бу докхна фикр биланри аслида узок йиллар давомида назаҳ қилиб келган экан...

асирлар суяги. Этарини ваҳший ҳайвонлар, итлар еб битиришди. Яна бир муддат йўл юриб, кеч тушиш олдиндан бир жойга келиб қолдим. Бу жойнинг бутун тупроғи юзаси қоп-қора, мойдан бўкиб ётар, шунда сассик ҳид таралар эдики, одам боласи чидаб туролмасди...

УШБУ суратдаги лавҳаларни Р. АЛЬБЕКОВ Тошкент вилояти Қибрай районидаги Акмал Икромов, мактаб ҳудудида ташкил этилган «Шодлик» дам олиш шахобчасидан тасвир...

ЭЪЛОНЛАР.

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги ва кечки бўлимларга

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Meъmorчилик мутахассисликлари гуруҳи: — меъморчилик (кундузги); — шаҳар, қишлоқ, боғ ва меъморий ансамбллари бадиий лойиҳалаш (кундузги). Курилиш мутахассисликлари гуруҳи: — саноат ва фуқаро қурилиши (кундузги, кечки); — шаҳар қурилиши ва ҳужжалиги (кундузги, кечки). Механик-технологик мутахассисликлар гуруҳи: — кўтарув транспорти, йўл-қурилиш машиналари ва ускуналари (кундузги, кечки); — қурилиш буюмлари ва қурилмаларни ишлаб чиқариш (кундузги, кечки). Сантехника мутахассисликлари гуруҳи: — иссиқлик, газ таъминоти, ҳаво алмаштириш ва ҳавони муҳофаза қилиш (кундузги, кечки); — сув таъминоти, канализация, сув манбаларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси (кундузги, кечки). Иқтисодий мутахассисликлар гуруҳи: — қурилиш иқтисоди ва бошқариш (кундузги, кечки); — қурилишда менежмент ва маркетинг (кундузги, кечки). Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ҳужжатлар кундузги бўлимга шу йил 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 августдан то 20 августгача ўтказилади. Талабалikka қабул қилиш 22 августгача. Ҳужжатлар кечки бўлимга шу йил 20 июндан 15 августгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 16 августдан то 28 августгача. Талабалikka қабул қилиш 30 августгача ўтказилади. ҲУҚИГА ҚИРУВЧИЛАР ҚУИДАГИ ҲУҶЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР: Ректор номига ариза, ўрта махсус ёки ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асли, соғлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома. ҚАБУЛ КОМИССИЯСИНИНГ МАНЗИЛИ: Самарқанд шаҳри-47, Лолзар кўчаси, 70-уй. Бош ўқув корпуси. Телефонлар: 37-28-64, 37-24-76. 7, 55, 59-автобуслар ва 19-маршрутдаги таксининг СамДМКО бекати.

КИШИЛАР ЕЧИЛДИ

АММО БУ ТУЛА ОЗОДЛИККА ЭРИШИЛДИ ДЕГАН СЎЗ ЭМАС. ИСТИҚБОЛ НУЛИМИЗ РАВШАН БУЎМОҒИ УЧУН ЖУДА КЎП ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТЛАРНИНГ ИЛДИЗНИНГ ОЧИШИМИЗ КЕРАК. лан келган олимдан бундан бошқа нимами ҳам кутиб бўларди. Йўқса, Бартольднинг энг илмли, энг виждонли тарихий сифатида билар эдик. Галининг очиги, Урта Осиё тарихига онд ўрус манбаларига шахсан ётиб энгил ишончлими ниҳосига эниб бўлди. Энди шу вақтгача муножаат эшит салкам жиноят ҳисобланган ўзимизнинг юрдушларимиз агаан асарларга бир нигоҳ ташлаб боқайлик-чи, мўғул яғмоси оқибатлари ҳақида улар қандай фикрда бўлишган экан. Мухаммад Юсуф Муншийнинг «Муниҳонийлар тарихини» арақалими. У Шайбонийлар тарихини, Британин сабаб, Чингизга алоқадда майл билдиришга бурчли муаррих. Шунга қарамай, у микон қадр ҳақиқатни асқ этиришга уринди. Мухаммад Хоразмшоҳ мўғулларнинг ҳарбий қудратини билиш мақсадида Сайид Бақоуддин улар юрдуга эли қилиб жўнатди. Сайид Бақоуддиннинг мўғуллар юрдуқа қўрағанларини Мухаммад Юсуф Мунший шундай таърифлайди: «Мен Тамғоч шаҳрига келишдан келганда тоққа ўхшаб кетадиган оппоқ баландлик кўринди. Тахминан у ўн фурсангга чўзилли кетган эди. Олдиндан чиққан йўловчидан сўрадим: «Бу илик малакат, қолаверса, менинг шитганим борки, бу юрдуқа қор ҳам, муз ҳам бўлайди, бу қандай тоғ бўлди ўзи? Йўловчи кулдан-да, шундай жавоб қилди: «Бу қор эмас, бу ўлдирилган

Бунинг жавоби кўп ва ҳар хил бўлиши мумкин. Энг асосийси кўни, ўрта ва олий бўғин рақбарларнинг умумий саводсизлиги, дунёқарашининг тор эканлиги.

Испом Каримовнинг мустақиллик учун курашдаги ағллиги, назаримизда бир кунда майдонга чиққан эмас. Айримлар ўша пайт «Президент вазиетга қараб иш тутди», деган қарорга келишганди. Бир воқеани олайлик. 1987-88 йилларда ўзбек тилига Давлат мақоми бериш қизғин муҳокама қилинаётган, Амир Темуэр ҳақида ҳали ҳеч ким (вақд. И. Мўминовдан сўнг) ботиниб бир нима демаган чоғлар. Ушанда, «Бизга Болтиқбўйи йўли манзуэр, биз Кавказ йўлини-кон тўкиш йўлини қабул қилолмаймиз», деган эди. Мана энди Озодликнинг Украина йўли ҳавтга қатъият билан қадам қўймоқда. Ҳавз Болтиқбўйи ва Украина йўлининг энг яхши, дадил томонларидан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Бу айниқса, 29 декабрдаги умумхалқ йўловидан (референдум) сўнг йқол кўга ташланиб қолаётди. Одавлар хоҳлайдими-йўқми, янги оқимлар, фирқавий гуруҳлар вужудга келавериди. Лекин фирқалар кимгадир мансаб олиб бериш учун тўзилмаслиги, энг муҳими, халқимиз асрлар давомида тўқкан қонлар эвазига эришилган мустақилликка ҳалал бермаслиги, ақсична, уни мустақиллаш учун турғилмоғи лозим. Азиялар, најотимиз мустақилликда. Мустақиллики эълон қилган билан, оғини айтиш лозим, ҳақиқий озодлик бўсағамизда турибди. Бир-биримиз ила келишолмай уни эътиборсиз қолдиришмайлик. У, ранжиб, останадан қайтиб кетиши ҳеч гап эмас.

Поён РАВШАНОВ, Утамурод НУРМУҲАМЕДОВ.

ТАШКИЛОТЛАР, ҚОРХОНАЛАР, ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР ВА БЕКОРЧИ ПУЛЛАРИНИ КАПИТАЛГА АЙЛАНТИРИШНИ ХОҲЛАГАН БАРЧАНИНГ ДИҚҚАТИГА! Устав фондининг кенгайиши муносабати билан «Тошкент» биржаси чекланган миқдордаги исми ёзилган оддий акцияларга эркин обуна эълон қилади. Ҳуқуқий шахслар учун битта акциянинг номинал қиймати 200 минг сум. Обуна муддати 1992 йил 1 июлгача. «Тошкент» биржасининг акциялари Сизнинг ютуқларингиз ва фаровонлигингиз гаровидир! МАНЗИЛИМИЗ: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 45-уй. «Ўзбекистон Республикаси» «Тошкент» товар-фонд универсал биржаси» акционерлик жамияти. ТЕЛЕФОНЛАР: 45-80-65, 45-71-90, 45-79-49, 45-77-43. ТЕЛЕФАКСЛАР: 45-84-76, 45-62-79. ТЕЛЕКС: 116297 ВІРЈА SЎ. «Тошкент» биржаси акционерлик жамияти.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълолар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608. Вузурга Г-197.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Анвар ЖУРАБОВ. ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Қарим БАҲРИЕВ, Эсирған БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАМЕДОВ, Ҳабібулло ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдуқарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СЎЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Мухтарма УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Рамиз ФАРАҲОДИЯ, Шавкат ЯҲЕЕВ, Пирмақол ҚОДИРОВ, Саидхор ФУЛОМОВ. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП / Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Таҳририятга ҳақими 7 қороздан ошган материаллар қабул қилинади. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.